

---

## СОЛИҚЧИЛАР ИФТОРЛИК ДАСТУРХОНИ ЁЗДИЛАР

Бугун вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман давлат солиқ инспекцияси ташаббуси билан 4-сектор ҳудудида жойлашган Баҳор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари, нуроний отахону онахонлар, жамоатчилик фаолларига "Навбаҳор" мажмуасида ифторлик дастурхони ёзилди.

Тўкин дастурхон атрофида аҳоли вакиллари билан биргаликда 3-, 4-сектор раҳбарлари, бошқарма масъуллари ифторлик қилдилар.

Нуронийлар тинч ва саҳий инсонлар билан яшаётганликларига шукроналик келтирдилар.

Юртимизга тинчлик, хотиржамлик, дастурхонларимизга, деҳқончиликларимизга файзу барака тиланиб, дуо қилдилар.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-19 15:53:20